

ТАСДИҚЛАЙМАН
Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи: Ж.Ҳимматов

БУЮРТМАЧИ:

Дехқонобод тумани Оқтош МФЙ Жийдабулоқ кишлоғи Кичик ўра дарёси устидан ўтадиган узунлиги 60.0 М метал конструкцияли пиёдалар кўприги

Қашқадарё вилояти хокимининг 25.08.2022 йил №721-4-0-/Q-22-сонли, Дехқонобод тумани хокимининг 15.09.2022йил №318-4-57-/Q-22-сонли қарорлари ва Дехқонобод тумани Ободонлаштириш бошқармасининг хатига асосан Дехқонобод тумани Оқтош МФЙ Жийдабулоқ кишлоғи Кичик ўра дарёси устидан ўтадиган узунлиги 60.0 М метал конструкцияли пиёдалар кўпригини жорий таъмирлаш.

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 20 маъйдаги №276 сонли қарорининг “Харид тартиб –тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилади.

1.ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан, Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани “Обод кишлоқ” дастури асосида, Дехқонобод тумани Октош МФЙ Жийдабулоқ кишлоғи Кичик ўра дарёси устидан ўтадиган узунлиги 60.0 М метал конструкцияли пидалар кўпригини жориш таъмирлаш учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 908 889 093 (тўққиз юз саккиз миллион саккиз юз саксон тўққиз минг тўқсон уч) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ушбу танлов якуналари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Дехқонобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: *Dehqonobod tumani, Qorashina aholi punkti Gullistonko'chasi indeks:180400*

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатла;

- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта таъқил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари- талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиб ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчиси) тақдим этилиши ҳақида мувожаат қилишга ҳақлидирлар.



ТАСДИКЛАЙМАН:

Дехконобод туман Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиги

2022 йил

Кашкадарё вилояти Дехконобод тумани Октош МФЙ Жийдабулоқ қишлоғи Кичик ўра дарёси устидан ўтадиган узунлиги 60.0 М метал конструкцияли пиёдалар кўпригини жориш таъмирлаш ишлари бюджет маблаглари ҳисобидан ҳамда лойиха – смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосасига асосан жорий таъмирлаш хизматлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Маҳсулот ва хизмат номи	Жорий таъмирлаш
2	Буюрмачи	Дехконобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Буюртмачи учун асос	Дехконобод тумани Октош МФЙ Жийдабулоқ қишлоғи Кичик ўра дарёси устидан ўтадиган узунлиги 60.0 М метал конструкцияли пиёдалар кўпригини жориш таъмирлаш
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Дехконобод туман Октош МФЙ Жийдабулоқ қишлоғи
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида курсатилган ишларни уз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низом, Гувоҳнома, солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги ва йирик солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома, ишчилар рўйхати, механизмлар рўйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома, ободонлаштириш маъмурият томонидан тасдиқланган ишончнома.
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Бажариладиган ишлар буйича ҳисоб китоблар тузилган Ф-2 га қараб ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Жорий таъмирлаш
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан.
10	Техник меҳнат ҳафсизлиги буйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника ҳафсизлиги қоида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	908 889 093 (тўққиз юз саккиз миллион саккиз юз саксон тўққиз минг тўқсон уч) сўм.

Бош ҳисобчи:

Ш.Абдулазизов

Бош муҳандис :

С.Жонимкулов

Инфратузилма объектларидан фойдаланиш булими бошлиги:

Ж.Жаббаров

Ҳисобчи-иктисодчи:

Ш.Холбоев

Ободонлаштириш объектларини сақлаш булими бошлиги.

Х.Дусматова